



Бу можаро ўн минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди ва миллионлаб одамларни ўз ерларини ташлаб кетишига мажбур қилди. Ва унинг келажаги ўтмишида ётади. Биз уни бўлақларга бўлиб кўриб чиқамиз.

Исроил-Фаластин можароси ўн минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди ва миллионлаб одамларни ўз уйларида кўчиб кетишига мажбур қилди ва унинг илдишлари бир асрдан кўпроқ вақт аввал бўлган мустамлакачилик ҳаракати даврига бориб қадалади.

Шанба куни Фаластиннинг Хамас ҳарбий гуруҳининг мисли кўрилмаган ҳужумидан сўнг, Исроил Газо секторига уруш эълон қилар экан, дунё нигоҳи энди яна нима содир бўлиши мумкинлигига қаратилди.

Хамас жангчилари Исроил жанубидаги бир канча шаҳарларга уюштирган ҳужумлари натижасида 800 дан ортиқ исроилликни ўлдирган. Бунга жавобан Исроил Газо секторига қарши бомбардимон кампаниясини бошлади, натижада 500 дан ортиқ фаластинликлар ҳалок бўлди. Исроил қуруқликдан ҳужумга тайёргарлик кўрган шекилли, Газо сектори билан чегара бўйлаб кўшинларини тўплади. Ва душанба куни у Газо секторининг «тўлиқ блокадаси»ни эълон қилди. Ўзи шундоқ ҳам аввалдан қамалда бўлган анклавга озиқ-овқат, ёкилги ва бошқа зарур товарлар етказиб беришни тўхтатди. Бу халқаро ҳуқуққа мувофиқ уруш жинояти ҳисобланади.

Аммо келгуси кунлар ва ҳафталар давомида содир бўладиган воқеаларни келиб чиқиши яқин тарихга бориб тақалади.

Ўнлаб йиллар давомида Гарб оммавий ахборот воситалари, академиклар, харбий экспертлар ва дунё етакчилари Исроил-Фаластин можаросини хал килиб бўлмайдиган, мураккаб ва боши берк кўчага кириб колган, дея таърифлаб келади.

Мана бу, дунёдаги энг чўзилган можаролардан бирини хал килиш бўйича оддий кўлланма:

Балфур Декларацияси нима?

Бундан 100 йил мукаддам, 1917 йилнинг 2 ноябрида Буюк Британиянинг ўша пайтдаги ташки ишлар вазири Артур Балфур (Arthur Balfour) Британия яхудий жамияти арбоби Лионел Валтер Ротшилдга (Lionel Walter Rothschild) мактуб ёзади.

Мактуб кискагина — бор-йўги 67 сўздан иборат бўлган, аммо унинг мазмуни Фаластинга сейсмик даражада таъсир кўрсатган ва буни оқибати бугун ҳам сезилмокда.

Унда Британия ҳукумати “Фаластинда яхудий халки учун миллий уй ташкил этиш” ва “бу мақсадга эришиш”га кўмаклашиш мажбуриятини олади. Ушбу мактуб Балфур декларацияси сифатида танилган.

Аслини олганда эса, Европани ўша пайтдаги державаси сионистик ҳаракатга алоҳида мамлакатни ваъда қилган эди. Вахоланки, ўша пайт бу ерларнинг маҳаллий аҳолисининг 90 фоиздан ортигини фаластинлик араблар ташкил этарди.

Британиянинг бу мандати 1923 йилда тузилган ва 1948 йилгача чўзиб келинган. Бу давр ичида инглизлар яхудийларнинг оммавий иммиграциясини кўллаб-қувватлаб келдилар, жумладан: — янги кўчиб келаётган аҳолининг кўпчилиги Европада нацизмдан қочиб кетаётганларни ташкил қилган ҳамда улар бир пайтни ўзида норозилик ва иш ташлашларга дуч келишганди. Фаластинликлар эса, ўз мамлакатларидаги демографик кўрсаткичларининг ўзгаришидан ва Британиянинг яхудий кўчманчиларга бериш учун ерларини мусодара қилишидан хавотирда эди.

1930 йилларда нима содир бўлди?

Вазият танглигининг кучайиши охир-оқибат 1936 йилдан 1939 йилгача давом этган араб кўзғолонига олиб келди.

1936 йил апрель ойида янги ташкил этилган Араб миллий кўмитаси фаластинликларни Британия мустамлакачилигига ва яхудийлар иммиграциясининг кучайишига қарши норозилик билдириш учун умумий иш ташлашга, солиқ тўловларини тўхтатишга ва яхудий маҳсулотларини бойкот қилишга чақирди.

Олти ойлик иш ташлаш британияликлар томонидан шафкатсизларча бостирилди, улар оммавий хибсга олиш кампаниясини бошлаб юбордилар ва жазолаш мақсадида уйларни бузиб ташлашди ва бу амалиётни Исроил бугунги кунда фаластинликларга қарши кўллашда давом этиб келмокда.

Кўзғолоннинг иккинчи босқичи 1937 йил охирида бошланиб, у Фаластин дехконларининг қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати бошчилигида, инглиз кўшинларига ва мустамлакачиликка қарши бўлиб ўтди.

1939 йилнинг иккинчи ярмига келиб, Англия Фаластинда 30 минг аскарни жамлади. Кишлоклар хаводан бомбардимон қилинди, комендантлик соати жорий этилди, уйлар бузиб ташланди, маъмурий камоқка олиш ва қатлиом қилишлар кенг тарқалди.

Тандемда англизлар яхудий кўчманчилар жамоаси билан ҳамкорлик килдилар ва куролли гуруҳлар ва Британия бошчилигидаги яхудий жангчилардан иборат «кўзголонга карши куч»ларни «Махсус тунги кучлар» деб атадилар.


Собик кўчманчилар жамоаси бўлган Ишува ичида курол-ярог яширинча олиб келинди ва кейинчалик Исроил армиясининг ядросига айланган яхудий харбийлаштирилган Хаганани кенгайтириш учун курол заводлари ташкил этилди.

Бу уч йиллик кўзголон давомида 5000 фаластинлик халок бўлди, 15-20 минг киши яраланди, 5600 нафари камокка ташланди.

1920-1946

Jewish immigration to Palestine

An estimated 376,415 Jewish immigrants, mostly from Europe, arrived in Palestine between 1920 and 1946 according to British records.



БМТнинг бўлиб бериш режаси кандай эди?

1947 йилга келиб, яхудийлар сони Фаластиннинг 33 фоизини ташкил этди, аммо улар ернинг атиги 6 фоизига эгалик килишарди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Фаластинни араб ва яхудий давлатларига бўлинишга чакирувчи 181-резолүцияни қабул килди.

Фаластинликлар бу режани рад этишди, чунки у Фаластиннинг тахминан 56 фоизини яхудий давлатига, жумладан, унумдор киргок минтакасининг кўп кисмини бериб юборишни кўзда тутар эди.

Ўша пайтда фаластинликлар тарихий Фаластиннинг 94 фоизига эгалик килган ва худуд аҳолисининг 67 фоизини ташкил килар эди.

ISRAEL-PALESTINE CONFLICT

UN Partition Plan


Following the end of World War II, the newly formed United Nations proposed a plan that would grant **55 percent of historic Palestine to a Jewish state** and **42 percent to a non-contiguous Arab one**. The plan was never implemented on the ground.



What is the Nakba?


Every year, on

May 15 Palestinians around the world mark the Nakba, or **catastrophe**, referring to the ethnic cleansing of Palestine in 1948.



Israeli settlements continue to grow


Settlements are Jewish communities built on Palestinian land. There are between **600,000 - 750,000 Israeli settlers** living in at least 250 settlements in the occupied West Bank and East Jerusalem. Israeli settlements are **illegal under international law**.



EAST JERUSALEM


The Al-Aqsa Mosque

The Al-Aqsa Mosque compound is located in occupied East Jerusalem. The 14-hectare (35-acre) compound houses al-Qibli Mosque and the Dome of the Rock.




The besieged Gaza Strip

The Palestinian enclave – home to some 2.3 million people – has been under an Israeli air, land and sea blockade since 2007.



Gaza: 16 years of living under blockade

Israel's land, air and sea blockade has trapped more than two million people inside the Gaza Strip since 2007. No portion of Gaza's society or economy has been left untouched.



Маноа